

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

№25

2024-yil
26-iyun, chorshanba

1918-yil
21-iyundan chiqq boshlagan



O'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta



t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi



facebook.com/uzbekistonovozi



instagram.com/uzbekiston_ovozi



www.uzbovozi.uz



info@uzbovozi.uz



МАҲАЛЛАЛАР ОБОДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИ ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 25 июнь кун
маҳаллалар ободлигини таъминлаш бўйича
таклифлар тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимизда барча дастурлар маҳаллаларда амалга оширилмоқда. Бу тизимга катта ваколат ва имкониятлар берилмоқда. Улардаги ободлик, муҳит ҳам шунга яраша бўлиши керак.

Бугунги кунда юртимизда 10 мингга яқин маҳалла бор. Шундан қарийб 3 минггаси кўп қаватли уйлардан иборат бўлиб, уларга 821 та бошқарув сервис компанияси хизмат кўрсатмоқда. Ҳовли уйлар жойлашган 6 минг 400 дан зиёд маҳаллада эса ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари, асосан, ҳашар билан қилинади.

Шу боис бундай жойларда "Маҳалла сервис компанияси" ташкил қилиш таклиф этилмоқда. Унга кўра, бу ташкилотлар маҳаллаларни ободонлаштириш билан шугулланади, кўчалар ва ариқлар тозаллигини таъминлайди, кўчатлар экиб, парваришлайди. Шартнома асосида коммунал тармоқларни таъмирлаш, чиқиндиларни саралаш ва ташиш хизматларини ҳам кўрсатади.

Сервис компанияси маҳалла фуқаролар йиғини кенгашининг қарори асосида салоҳиятли тадбиркорлар орасидан танлаб олинади. Ободончилик ишлари маҳалланинг буюртмаси ва назорати асосида амалга оширилади. Сервис компаниялари хизматлариға тўловлар қилиш учун маҳалла фуқаролар йиғинларига ҳар ойда 20 миллион сўмдан маблағ ажратилади. Шунингдек, улар аҳолиға 20 дан ортиқ ижтимоий пулли хизматлар кўрсатиши ҳам мумкин бўлади.

Умуман, бу тизим натижасида маҳаллаларға файз киради, одамларда озодалик ва дахлдорлик маданияти кучаяди. Маҳаллада яшовчи усталар ва вақтинча ишсиз кишиларнинг бандлиги таъминланади.

Тақдимотда сервис компаниялари аввал тажриба тариқасида 208 та маҳаллада ташкил этилиши белгиланди. Ушбу тажриба натижаси бўйича кейинчалик барча маҳаллаларда жорий қилиш таклифи билдирилди.

president.uz

✓Электорат манфаати

ДАВЛАТ ТАРТИБГА СОЛИШИ МУҲИМ

Ижтимоий ҳаётимизда шундай соҳалар борки, уларда кечаётган недиҳ ўзгариш ёки қандайдир янгилик ҳеч қачон ҳеч биримизни бефарқ қолдирмайди. Аввало, бу ўзгариш ва янгиликларға истеъмолчи нуқтаи назари билан ёндашсак, улар замиридаги асосий мақсадни жамиятнинг бир вакили ўлароқ таҳлил этамиз, муносабат билдирамиз, хайрихоҳлик ёхуд эътирозимизни баён қиламиз.



4

✓Партиямиз фаолияти



ОЧИҚ МУЛОҚОТ ВА ҚИЗГИН МУҲОКАМА РУҲИДА

СИЁСИЙ ПАРТИЯНИНГ
ЖАМИЯТДАГИ НУФУЗИ ВА
РОЛИ УНИНГ ЭЛЕКТОРАТ
МАНФААТЛАРИНИ ҚАЙ
ДАРАЖАДА ҲИМОЯ
ҚИЛАЁТГАНИ, ЖОЙЛАРДАГИ
МУАММОЛАР ЕЧИМИ
ЮЗАСИДАН ҚАНДАЙ ДАДИЛ
ВА ҲАҚЧИЛ ТАШАББУСЛАР
БИЛАН ЧИҚАЁТГАНИГА
ҚАРАБ БАҲОЛАНАДИ,
АЛБАТТА. ШУ НУҚТАИ
НАЗАРДАН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
2019 ЙИЛГИ ПАРЛАМЕНТ ВА
МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРГА
САЙЛОВДА 82 ТА УСТУВОР
МАҚСАДНИ БЕЛГИЛАБ ОЛГАН
ЭДИ ҲАМДА БУГУНГА ҚАДАР
УЛАРНИНГ 70 ДАН ОРТИГИ
ЎЗИНИНГ АМАЛИЙ ИСБОТИНИ
ТОПДИ.

3

✓30 июнь — Ёшлар кун



ЭЗГУ ТАШАББУСЛАРНИНГ МЕЪМОРИ БЎЛИШИМИЗ КЕРАК


Мамлакатимиз аҳолисининг улкан қисмини,
меҳнат ресурсларининг эса ярмидан кўпини ташкил
этувчи фаол қатлам – ёшларға эътибор ва ғамхўрлик
давлат сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Бу
борадаги ислохотларнинг кенг қамрови ва натижа-
дорлигини инкор этмаган ҳолда бугун ёшларимизни
ўйлантираётган, жиддий ташвишға солаётган ма-
салалар, улар тўқнаш келаётган муаммолар ҳам оз
эмаслигини таъкидламоқ жоиз.

7

✓Туризм

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Туризм жаҳон иқтисодиётида юқори
даромадли ва жадал ривожланиб
бораётган соҳалардан бири бўлиб,
халқаро ижтимоий-сиёсий, иқтисодий
ва маданий-маърифий алоқаларни
муостаҳкамлашда муҳим ўрин тутмоқда.
Айниқса, бу соҳа мамлакатлардаги табиий
бойликларни, асрлардан сўзлагувчи
осори-атикалару номоддий маданий
мерос намуналарини асрашға, халқлар
ва миллатлараро тотувликни таъминлашға
сезиларли ҳисса қўшаётганини таъкидлаб
ўтмасликнинг иложи йўқ.



6 САҲИФАДА

✓Маҳаллий кенгашларда

РАҲЪБАР КАДРЛАР даги ЛОҚАЙДЛИК МУАММОЛАРНИНГ ЎЗАГИДИР

Ўзбекистон ХДП Шўрчи туман Кенгаши вилоятдаги салоҳиятли жамоалардан бири ҳисобланади. Худудда 2 минг нафардан ортиқ аъзони бирлаштирган 42 та қуйи бўғин фаолият кўрсатаётган бўлса, халқ депутатлари туман Кенгашида партиямиздан сайланган 8, вилоят Кенгашида эса 1 нафар депутат иш олиб бормоқда. Шубҳасиз, улар халқ ишончини қозониб, электоратнинг суянчига айланишни ўзларининг дастуруламали, деб билдилар.

5



Маҳобатли кўприк ҳашар йўли билан қурилди

Сурхондарё вилояти
Шеробод туманининг
"Зарабоғ" маҳалласида
4 мингга яқин аҳоли
истиқомат қилади.
Қарийб 600 га яқин
хўжалик бор. Маҳалла
марказидан оқиб
ўтувчи сойда кўприк
йўқлиги узоқ вақтдан
бери ҳудуднинг
оғриқли нуқталаридан
бири бўлиб келган.

8

SIYOSIY PULS: MUNOSABAT

ҲАЁТИМИЗНИНГ БАРЧА СОҲА ВА ТАРМОҚЛАРИ РАҚАМЛАШИБ БОРАЁТГАН ҲОЗИРГИ ШИТОБЛИ ТАРАҚҚИЁТ ДАВРИДА ИНСОНИАТ ТЕХНОЛОГИЯНИНГ АҚЛБОВАР ҚИЛМАС, ЧЕКСИЗ ИМКОНИАТЛАРИГА ГУВОҲ БЎЛМОҚДА. РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ, РАҚАМЛИ ТАЪЛИМ, РАҚАМЛИ ТИББИЁТ, РАҚАМЛИ САҢЪАТ, РАҚАМЛИ ИНФРАТУЗИЛМА... БУ АТАМАЛАР АЛЛАҚАЧОН КУНДАЛИК ЛУҒАТИМИЗДАН ЖОЙ ОЛИБ УЛГУРДИ. ХУСУСАН, РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШ СУРЪАТИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТНИНГ ФАРОВОНЛИК МЕЗОНЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА БАҲОЛАНЯПТИ. ЭКСПЕРТЛАРНИНГ ҲИСОБ-КИТОБИГА КЎРА, 2025 ЙИЛГА КЕЛИБ ДУНЁДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ УЛУШИ 23 ТРЛН. АҚШ ДОЛЛАРИГА ЕТАДИ. УНИНГ ЖАҲОН ЯИМДАГИ УЛУШИ 24,3 ФОИЗГА ЎСАДИ.

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КҮЧ



Мана шундай шароитда ҳар бир мамлакат учун сифатли инсон капитали ҳал қилувчи куч сифатида бебаҳо қиймат касб этиб бораётгани табиий, албатта. Яъни, янги технологиялар соҳасида замонавий билимларни чуқур эгаллаган, уларни ҳаётга татбиқ эта олишга қодир, факулдада салоҳиятли, яратувчанлик иштиёқи баланд мутахассисларга халқаро меҳнат бозорида талаб шу қадар ошмоқдаки, қиёси йўқ. Гап бугун энг талабгир касб эгалари – муҳандислар ҳақида бормоқда.

АҚШдаги машҳур The Muse иш қидириш платформасидаги маълумотлар таҳлилий ўрганилганда, ушбу океанорти юртида 2019 йилдан 2029 йилгача энг кўп ва ойлик маоши тадрижий кўтариладиган бўш иш ўринлари айнан муҳандислар учун тақлиф этилаётгани аниқланди. Заррада қуёш акс этганидек, бугун меҳнат бозоридаги бундай тенденция барча ривожланган ва ривожланаётган давлатлар учун хосдир.

ЖОЗИБАДОР ВА ҲАЙРАТЛАНАРЛИ

Муҳандислик, агар таъриф бериш мумкин бўлса, жозибадор ва ҳайратланарли касб сифатида барча замонада қадрланган, эътироф этилган. Зотан, айнан муҳандислар креатив илмий ёндашувлар ва кашфиётлар билан инсоният ҳаётини яхшилашга, қўлайлаштиришга интилиб келади. Бир пайтлари муҳандиснинг иш жараёни қўлда чизилган чизмалару калькуляторда ҳисобланган формулалар асосида кечган бўлса, бугун улар VR ва AR технологиялари ҳамда қайта тикланадиган энергия билан кўп ўлчамли форматларда ишламоқда.

Ҳозирги кунда, айниқса, экология, робототехника, биотиббиёт, аэрокосмик ва озиқ-овқат соҳаларида муҳандисларга талаб ортиб бораётган. Жумладан, глобал иқлим ўзгаришлари, инсон омилли туфайли табиат мувозанатининг бузилиши башариёт олдига кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифаларни қўяётган янги пайтда эколог-муҳандисларга эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам кучайди. Сунъий интеллект билан ишлашда, ақли қурилмалар яратишда оламшумул ютуқларни қўлга киритаётган робототехника муҳандислари туфайли кун келиб роботлар шифокорларнинг, ўқитувчи-педагогларнинг, қурувчиларнинг ўрнини эгаллаши янгилик бўлмай қолди. Табиий ресурслар, ер, сув захиралари кечилганга боис озиқ-овқат хавфсизлиги долзарб муаммага айланган бу замонада эса инсониятни очлик хатаридан асраб қолиш муҳандислардан янги изланишларни талаб қилмоқда.

Малакали муҳандис кадрларни етиштиришда ЮНЕСКО статистикасига кўра, Россия (бу давлатда ҳар йили ОТМни муҳандислик бўйича битираётганлар деярли ярим миллионни ташкил этмоқда), АҚШ, Япония, Жанубий Корея каби давлатлар пешқадамлик қилаяпти.

БИЗДА-ЧИ?

Мамлакатимизда ЯИМда сановат улушини оширишга қаратилган изчил сиёсат самарасида бугунги кунга келиб ушбу соҳа тармоқлари иқтисодиётимизнинг асосий двигателига айланди. Ўзбекистонда жорий йил 1 май ҳолатига сановат соҳасида 110

минг 307 та корхона рўйхатдан ўтган. Ваҳолонки, олти-етти йил олдин бу рақам 40-45 минг атрофида бўлган.

Сановатни ривожлантириш, илгор, энерготехнамкор технологияларни, ички ресурсларга таянган ҳолда янги, истиқболли инновацион ечимларни ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш, аниққи, етук муҳандис кадрларсиз амалга ошмайди. Республикаимиз кимё сановати, электротехника, транспорт ва энергетика соҳаларида бундай кадрларга талаб юқориликча қолмоқда. Яна бир аччиқ, аммо очиқ ҳақиқат шуки, юртимиздаги тегишли олий ўқув юртли ва сановат ўртасидаги узилиш барҳам топганича йўқ.

Юртимизда техника йўналишидаги 36 та давлат олийгоҳидан йилга 67 минг битирувчи етишиб чиқади. Аммо бу олийгоҳлардаги мавжуд мутахассисликлар, ўқитиш дастурлари, эскича қолигдаги назарий машғулотлар доирасида таҳсил олган ёшлар бугунги меҳнат бозори талабларига жавоб бера олмаётган. Оқибатда муҳандисларнинг 60 фоизи ўзи ўқиган йўналишида ишламаяпти.

Ўрганишлар мазкур олий таълим муассасаларида муҳандислик йўналишида юзлаб стартап ва инновацион лойиҳалар "қоғоз"да қолиб кетаётганини кўрсатмоқда. Охириги етти йилда олий таълим қамрови беш баробар ошган бўлса-да, ёшларимизнинг муҳандислик-техникага қизиқиши жуда паст. Университет ва илмий лабораторияларнинг айрим ускуналари эскирган. Кўп профессор-ўқитувчилар амалиётдан узилиб қолган. Сўнги тўрт йилда олий таълим муассасаларининг илмий-тадқиқот учун тузган шартномалари 3 қарра кўпайган. Улардан даромад 6 қарра ошган. Лекин илмий ишланмалар натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш жуда паст. Ихтироларни патентлашда ҳам мавжуд ҳолат кўнгилдагидек эмас.

20 июнь кун Президент Шавкат Мирзиёев раислигида муҳандислик соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида мана шу муаммолар бирма-бир тилга олинди.

ЯНГИ ТАШАББУСЛАР – ЯНГИ ЎЗГАРИШЛАР

Соҳада кузатилаётган муаммоларни бартараф этиш, ёшларимизда муҳандисликка қизиқиш ва интилишни кучайтириш учун, шубҳасиз, янги ташаббуслар, янги ўзгаришлар керак. Видеоселектор йиғилишида давлат раҳбари илгари сурган тақлиф-ташаббуслар моҳияти ва аҳамиятига кўра ҳаётини заруратдир. Уларнинг рўёбга чиқиши, худдики ярага қўйилган малҳам каби муаммолар газак олишига чек қўяди.

Демак, эндиликда техника йўналишида ўқитиш ва илмий-тадқиқот жараёнлари илгор тажриба асосида тўлиқ ўзгаради. Ушбу йўналишдаги 36 та олий ўқув юрти ва уларнинг филиаллари босқичма-босқич йириклашиб, жами 20 та олийгоҳ қолади. Улар дуал таълим тизимига тўлиқ ўтади.

Меҳнат бозорида талаб сусайган мутахассисликлар қисқаради. Айрим кафедралар бирлаштирилади. Деканларнинг талабаларга хизмат кўрсатиш функциялари тўлиқ рақамлашади. Хориждаги каби "Регистратор офиси" ташкил қилинади.

Ҳар бир олийгоҳ Германия, Япо-

ния, Хитой, Россия, Италия, Туркия, Жанубий Корея, Сингапур каби ривожланган ҳамкор давлатларнинг нуфузли техника университетлари билан ҳамкорликни йўлга қўяди.

"Тармоқ – корхона – олийгоҳ" занжири асосида ҳар бир олийгоҳга сановат ҳамкори белгилаб берилди. Барча муҳандислик олийгоҳлари ҳамкор корхоналарига кафедралар очади ва дуал таълимни шакллантиради. Бунда корхоналар кафедраларни жиҳозлаш, ўқитувчи ва талабаларни рағбатлантиришга маблағ ажратади. Талабаларнинг амалиёти ва битирув курсдаги таълими тўлиқ ҳамкор корхоналарда ташкил қилинади. Бошқача айтганда, таълим ва ишлаб чиқариш том маънода интеграциялашади.

Вазирлик ва корхоналар тизимида 32 та тармоқ кенгашлари ташкил қилинади. Улар институтлар билан техника соҳаларидаги илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналишларини белгилайди ва буртмачи бўлади.

Шунингдек, биринчи босқичда 10 та олийгоҳда Олий муҳандислик мактаблари очилади. Ушбу ОТМ орасида Тошкент давлат техника университети, Бухоро муҳандислик-технология институту, Тошкент давлат транспорт университети, Фарғона политехника институту, Тошкент архитектура-қурилиш университети ва Тошкент ахборот технологиялари университети ҳам бор.

Олий муҳандислик мактабларида икки йиллик амалий магистратура дастурлари йўлга қўйилиб, ишлаб чиқарувчилар буртмачи асосида номзодлар саралаб олинади. Биринчи йил талабалар корхоналар буртмачи асосида янги махсулотларни лойиҳалаштиради, илмий изланишлар ўтказиши, бу борада чуқурлашган модул дастурлар асосида ўқитилади. Иккинчи йил янги махсулотлар бўйича тажриба-конструкторлик намуналарини яратиш билан боғлиқ технология жараёнларни корхоналарда синовдан ўтказиши. Корхоналар Олий муҳандислик мактабларида лаборатория очиб ва жиҳозлашни молиявий қўллаб-қувватлайди. Ўз навбатида бунинг учун давлат ҳам бюджетдан маблағ ажратади.

Энди олий таълим муассасаларининг тажриба ишлаб чиқариш корхоналари мақоми қонун билан мустаҳкамланади. Уларга IT-парк резидентларига қўлланилаётган имтиёзлар берилди. Шўъба корхонаси ишчисининг камида 60 фоизи докторант ва талабалардан иборат бўлади.

Келаси йилдан техника йўналишидаги лойиҳаларга давлат грантлари 4 қарра оширилади. Корхонага олийгоҳ билан ҳамкор ташкилот ҳам таъсисчи бўлишига руҳсат берилди.

Вилоят ҳокимлари ва тармоқ раҳбари илмий ва ишлаб чиқариш лойиҳалари учун олийгоҳларга 10 миллиард сўмгача буртмачи тўғридан-тўғри бериши мумкин бўлади.

Инвестиция лойиҳалари қийматининг камида ярим фоизини илмий ишларга ажратиш тизими жорий қилинади.

Муҳандислик йўналишлари бўйича "энг яхши ғоя", "энг яхши лойиҳа" ва "энг яхши ихтиро" республика танлови ўтказилади. Унда ўқитувчилар, талабалар ва амалиётчи муҳандислар иштирок этиши мумкин бўлади. Шунингдек, ғоя, лойиҳа ва ихтиро муаллифи бўлган энг зўр 10 нафар иштирокчи Германия, Япония, Хитой, Россия, Италия, Туркия, Жанубий Корея, Сингапур каби давлатларга стажировкага юборилади.

Очиқ мулоқот руҳида ўтган йиғилишда тармоқ раҳбарлари, олимлар, ректорлар ва муҳандислар соҳада илм-фан ва таълимни ривожлантириш бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирди. Уларнинг тақлифлари инobatта олиниши, ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаши таъкидланди.

Президент урғу берганидек, бугун иқтисодиётимизни жадал ривожлантириш учун малакали муҳандис-технологлар сув билан ҳаводек зарур. Ҳар бир вазир, тармоқ раҳбари, ОТМ ректорлари ва профессор-ўқитувчилар ўз зиммасидаги масъулиятини, давр руҳини чуқур ҳис қилиб, фаолиқ кўрсатса, сўнги илм-фан ютуқларини мукамал ўзлаштирган, иқтисодий тараққийтага хизмат қилувчи янги инновацион ғоя ва ихтиролар билан майдонга кириб келадиган ёш муҳандисларимиз сафи кенгайди.

Фарида МАҲКАМОВА тайёрлади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МУҲАНДИСЛАРИ

ИЛМ-ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ДРАЙВЕРИГА АЙЛАНИШИ ЗАРУР

ДУНЁ ИЛМ-ФАНИ РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧЛАРИГА ҚАДАМ ҚўЯЁТГАН, ТАЪБИР ЖОИЗ БЎЛСА, СУНЪИЙ ИДРОК ҲАЁТИМИЗНИНГ БАРЧА ЖАБҲАСИГА ФАОЛ КИРИБ ҚЕЛАЁТГАН АЙНИ ПАЛЛАДА АГРАР ДАВЛАТ ФАКОМИНИ БЎЙИНГА ОЛИБ ЯШАШ ТАРАҚҚИЁТГА ИНТИЛАДИГАН МАМЛАКАТГА МУНОСИБ ҲОЛАТ ЭМАС. МАНА ШУ ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТНИ ЎЗ ВАҚТИДА АНГЛАБ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ЎЗАНИНИ ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАРГА ЙЎНАЛТИРМАГАН ДАВЛАТ ҲАМ, ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ҲАМ, ЖАМИЯТ ҲАМ МУҚАРРАР ЮТҚАЗАДИ.



Улуғбек ИНОЯТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси.

Президентимиз раислигида муҳандислик соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилиши барча мутахассисларга олий таълим муассасалари ректорлари, илм-фан ҳамда ишлаб чиқариш вакиллари учун тарихий учрашув бўлди.

Давлатимиз раҳбари 2022 йили 20 декабрда Олий Мажлисга ҳамда халқимизга Мурожаатномасида кимё сановати, электротехника, транспорт ва энергетика соҳаларида нуфузли халқаро тақлилотлар билан бирга, алоҳида Муҳандислик мактаблари ташкил қилиниши, янги замон инженерлари тайёрлаш тизими яратилиши ҳақида сўз юритган эди. Бўлиб ўтган йиғилиш ана шу концептуал мақсадга эришиш йўлидаги ҳал қилувчи қадам бўлди.

Танқидий таҳлил, янги ғоя ва ташаббусларга таянган йиғилишда мамлакатимизда замонавий талабаларга мос муҳандис кадрлар тайёрлашнинг айна пайтдаги ҳолати танқидий таҳлил этилди. Ҳолатга қайси томондан қарамайлик, рақамлар бор ҳолатни очиқ-ойдин кўрсатиб турибди.

Шу ўринда давлатимиз раҳбари келтирган фактларни яна бир қарра эсга олсак. Юртимиздаги техника йўналишидаги 36 та давлат олий таълим муассасасини ҳар йили 67 минг йиғит-қиз битиради. Бироқ уларнинг 60 фоизи ўзи ўқиган йўналиш бўйича ишламаяпти. Сабаби, уларни тайёрлаган олий таълим муассасаларининг ўқув дастури ва ихтисосликлари бугунги кунда иш берувчилар талабини тўлақонли қониқтира олмаёпти. Олий таълим муассасалари замонавий йўналишларда кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўймаса маҳаллий сановат тармоқлари катта маблағ сарфлаб, ишчиларини хорижда ўқитишга ёки четдан мутахассис олиб келишга мажбур бўлади.

Ҳолбуки, чет элдан жалб қилинаётган муҳандисларнинг ишини ўзбек ўғил-қизлари ҳам уддалашга қодир. Бунинг учун уларга замонавий кўникма ва тажрибалар ўргатилиши керак. Ҳолатга энг муносиб таъриф ҳам йиғилишда айтилди: замонавий муҳандислар тайёрланмаётганининг сабаби шуки, ОТМ ва сановат корхонаси ўртасида узилиш юз берган. Ректорлар корхоналарга бориб, янги технология ва ускуналар билан танишмаяпти. Улар мутахассислар тайёрлашда иқтисодиётнинг реал секторидида кадрларга эҳтиёжни инobatта олмаёпти.

Давлатимиз раҳбари олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш масаласига тўхталар экан, доим мана шу нозик жиҳатга алоҳида эътибор қаратади. Назарий билим ва кўникманинг амалиётда мустаҳкамлаши ва асослаши, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш занжирини тўлақонли интеграциясини таъминлашга урғу беради. Бу бежиз эмас. Шу йўл билан битирувчиларнинг сифатли билим олиб, касб-хунар ўрганиб, амалиётда чиникиб, бирор корхона ёки ташкилотга керакли ходим сифатида шаклланиб боришига эришилади. Бу жараёнда, шубҳасиз, ишлаб чиқарувчиларнинг кадрларга эҳтиёжи ва талаби ниҳоятда муҳим.

Йиғилишда биринчи босқичда 10 та олийгоҳда "Олий муҳандислик мактаблари" очилиши маълум қилинди. Ушбу мактабларда икки йиллик амалий магистратура дастурлари йўлга қўйилиб, ишлаб чиқарувчилар буртмачи асосида номзодлар саралаб олинади. "Тармоқ – корхона – олийгоҳ" занжири асосида ҳар бир олийгоҳга сановат ҳамкори белгилаб берилди. Келгусида ҳамкор корхоналарда олий таълим муассасасининг кафедралари очилади ва дуал таълим йўлга қўйилади. Бу жараёнда корхоналар кафедраларни жиҳозлаш, ўқитувчи ва талабаларни рағбатлантириш чораларини кўради. Талабаларнинг амалиёти ва битирув курсдаги таълими ҳам тўлиқ ҳамкор корхоналарда ташкил қилинади.

Бу жараёнда тажриба-синов илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси қонуний асосларини такомиллаштириш олдимида турган муҳим вазифалардан.

Замонавий ОТМларнинг даромади фақат талабанинг тўлов-шартномасидан тўшадиган тушумдангина шакллантирилмайди. Айниқса, техника-муҳандислик йўналишидаги олийгоҳлар кенг қамровли иш юритиши, бунинг учун ҳуқуқий имкониятлар бемалол бўлиши муҳим.

Илмий ишланмалар, амалий, инновацион, фундаментал ва стартап лойиҳаларни амалга ошириш эвазига ҳам катта фойда олиш мумкин. ОТМ олимларининг ихтиролари тижорийлаштирилиб, ишлаб чиқаришга фаол жорий этилиши орқали ҳам салмоқли маблағ шаклланади. Мана шу жараёни тажриба-синов илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси мубофиқлаштирилади.

Йиғилишда билдирилган фикрлар, белгилаб берилган долзарб вазифалар юртимизда олий муҳандислик техника таълимини янги босқичга олиб чиқишга, илм-фан ва ишлаб чиқаришни бир-бирига яқинлаштиришга, яхши натижалар учун шерик ва ҳамкорга айлантиришга асос бўлади. Ўзи йўлаб кўрайлик, илм-фан, техник-муҳандислик билими ишлаб чиқариш билан, корхоналар билан, реал ҳаёт билан боғланмаса, иқтисодиётга, жамиятга қачон ва қандай самара келтириши мумкин? Илм-фандан, муҳандисликдан мақсад ишлаб чиқаришда, иқтисодиётда фаол бўлишдан иборат эмасми аслида?

Эътибор берсак, техник самарадорлик нуқтаи назаридан энг ривожланган мамлакатлар ўз вақтида шу саволлар билан боғлиқ масалаларга жиддий эътибор қаратган. Илм-фандан, ишлаб чиқаришдан олий мақсад инсонга, турмуш фаровонлигига хизмат қилишдан иборат бўлган.

Шу маънода давлатимиз раҳбари ўтказган йиғилиш, унда илгари сурилган илгор фикр ва ташаббуслар Янги Ўзбекистоннинг мазмуни ва қиёфасини яна бир бор кўз олдимида гавдалантирди.

Учинчи Ренессанс эзгу орзу, буюк мақсаддир. Одамлар ҳаёти билан, миллионлаб юртдошларимизнинг туриш-турмуши, мамлакат иқтисодиёти билан узвий боғланган илм-фан унинг мустаҳкам пойдеворига айланиши зарур.

(«Янги Ўзбекистон» газетасининг 22 июндаги сонидан олинди.)



ОЧИҚ МУЛОҚОТ ВА ҚИЗГИН МУҲОКАМА РУҲИДА



СИЁСИЙ ПАРТИЯНИНГ ЖАМИЯТДАГИ НУФУЗИ ВА РОЛИ УНИНГ ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИНИ ҚАЙ ДАРАЖАДА ҲИМОЯ ҚИЛАЁТГАНИ, ЖОЙЛАРДАГИ МУАММОЛАР ЕЧИМИ ЮЗАСИДАН ҚАНДАЙ ДАДИЛ ВА ҲАҚЧИЛ ТАШАББУСЛАР БИЛАН ЧИҚАЁТГАНИГА ҚАРАБ БАҲОЛАНАДИ, АЛБАТТА. ШУ НУҚТАИ НАЗАРДАН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ 2019 ЙИЛГИ ПАРЛАМЕНТ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРГА САЙЛОВДА 82 ТА УСТУВОР МАҚСАДНИ БЕЛГИЛАБ ОЛГАН ЭДИ ҲАМДА БУГУНГА ҚАДАР УЛАРНИНГ 70 ДАН ОРТИГИ ЎЗИНИНГ АМАЛИЙ ИСБОТИНИ ТОПДИ. ХДП ФРАКЦИЯ АЪЗОЛАРИ ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИНИНГ ХУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ АКС ЭТТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН 206 ТА ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ЮЗАСИДАН ТАКЛИФЛАР БИЛДИРИШДИ. 2 МИНГ 600 ДАН ОРТИҚ ФУҚАРОЛАРДАН КЕЛИБ ТУШГАН МУРОЖААТЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ АДОЛАТЛИ ЯКУН ТОПДИ.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг пленумида эришилган бу сингари салмоқли натижалар алоҳида қайд этилди.

Дастлаб парламент куйи палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси, партия Ижроси қўмитаси фаолияти сарҳисоб қилиниб, олдинда турган долзарб вазифалар санаб ўтилди.

Партия Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция раҳбари Улуғбек Иноятлов кун тартибидagi масалалар юзасидан ахборот бериб, устувор йўналишларга диққат қаратди.

Очиқ мулоқот, қизгин муҳокама ва аниқ таклифлар асосида ўтказилган йиғилишда фракция аъзоларининг фаолиятини янада кучайтириш, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, ижро этувчи органлар масъулиятини ошириш, партия ва депутатлик корпуси билан фаол ҳамкорлик қилиш бўйича тавсиялар илгари сурилди.

Пленумда партия фаоллари, маҳаллий партия кенгашлари раислари, депутатлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шарбат АБДУЛЛАЕВА, Тошкент молия институти ўқитувчиси, иқтисод фанлари доктори, профессор, ЎЗХДП фахрийси:

- Бу йилги муҳим сиёсий тадбир олдиндан қилинган ишлар таҳлили ва олдимиздаги вазифаларимизни белгилаб олишимиз жуда муҳимдир.

Агар таққослаб кўрадиган бўлсак, одамларнинг бугунги дунёқараши билан бундан 5-10 йил олдинги тушунча ва тасавури орасида ер билан осмонча фарқ бор. Ҳозир фуқаролар сайлов тизими ва тартибини, ўзининг сайлаш, сайланиш ҳуқуқини яхши идрок этади. 2019, 2021 ва 2023 йиллардаги сайловлар фуқароларда сиёсий ирода ва талабчанлик ўсганини яққол кўрсатди.

Демак, белгиланган вазифалар ижросига масъулият билан ёндашимиз, партиянинг сайловларда муносиб иштирок этишини таъминлашимиз, бу жараёнда, аввало, жамоатчиликка, электорат вакилларига партия ташкилотлари ҳамда депутатларимизнинг амалий ишлари ҳақида кенг ахборот бериб боришимиз керак.

Шунингдек, айна пайтда сиёсий ахборот фақат Ўзбекистон ХДПнинг позицияси билан чегараланмаслиги, бизнинг позициямиз бошқа партияларнинг позициясидан нимаси би-



лан фарқ қилишини аниқ-равшан ёритишга аҳамият беришимиз зарур. Ана шунда партия имижини ошириш, аҳоли ишончини қозонишимиз ҳамда энг юқори натижаларга эришимиз мумкин.

Комил АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти Марказий бошқаруви раиси:

- Ногиронлиги бўлган инсонлар жамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Мамлакатимизда ушбу принципга қатъий амал қилиш борасида изчил ва тизимли ишлар олиб бориляпти.

Масалан, юртимизда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш йўлида бир қатор ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, янги тахрирдаги Конституцияда биринчи марта ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларига оид нормалар алоҳида моддада белгиланди. Шунингдек, «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Ўзбекистон БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига қўшилди. Шу тариқа айна йўналишда мустақкам ҳуқуқий база яратилди.

Аммо ногиронлиги бўлган инсонлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаш борасида ҳали олдимизда қатор вазифалар ҳам турибди.

Халқ демократик партияси ва Ногиронлар жамияти ҳамкорликда тизимдаги муаммоларни изчил ўрганиши керак, деб ўйлайман.

Биринчидан, жойларда ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларни моддий қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини йўлга қўйиш.

Иккинчидан, олий таълим муассасалари ва мактаблар биналарининг ногиронлиги бўлган шахслар мустақил ҳаракатланиши учун қулайлик яратилганини, шунингдек, Брайль алифбосидаги дарсликларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш ва мавжуд ҳолат юзасидан давлат буюртмасини шакллантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.

Учинчидан, даволаш пунктларининг моддий-техника базасининг ногиронлиги бўлган шахслар фойдаланиши учун мослаштирилган ҳолатини ўрганиш.

Тўртинчидан, ногиронлиги бўлган шахсларни мамлакатнинг тарихий жойлари ва маданий меросларига саёҳатларини ташкил этиш шарт-шароитларини партия кенгашлари ва депутатлик бирлашмалари томонидан жамоатчилик ҳамда депутатлик назорати тартибда ўрганиш олдимизда турган кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

Шунингдек, ногиронлиги бор шахсларни сиёсий жараёнларга жалб этишда кўмаклашиш, айниқса, улар орасидаги қобилиятли ва ҳар томонлама етуқларини депутатликка номзод қилиб кўрсатиш ва улар сайланишига эришиш зарур. Аввалги сайловларда партиядан 3 нафар ногиронлиги бор шахслар маҳаллий Кенгашларга депутат этиб сайланган эди. Улар ҳозир ҳам фаол. Масалан,

наманганлик Жавлонбекни бугун бутун республика танияпти. Ахир бундай ёшларимиз жуда кўп.

Ўйлайманки, бу масалаларни тўғри ёндашган ҳолда биргаликда амалга оширсак, қанчадан-қанча ногиронлиги бўлган инсонларни қийнаётган муаммоларни ҳал қилишга эришамиз.

» Демак, белгиланган вазифалар ижросига масъулият билан ёндашимиз, партиянинг сайловларда муносиб иштирок этишини таъминлашимиз, бу жараёнда, аввало, жамоатчиликка, электорат вакилларига партия ташкилотлари ҳамда депутатларимизнинг амалий ишлари ҳақида кенг ахборот бериб боришимиз керак.

Халилла ЕШИМБЕТОВ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республика Кенгаши раиси:

- Аввало, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини ҳам кучайтириш масаласига эътиборингизни қаратмоқчиман. Хабарингиз бор, партияимизнинг тактикасига кўра, БПТ-лар сайлов участкалари ҳудудларида очилди, бу эса сайлов пайтида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширишда, сайлов куни эса қузатувчи ва ваколатли вакилларни жалб қилишда қулай имконият демакдир.

Шундай экан, биз бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада яхшилашимиз, маҳаллалар билан ҳамкорликдаги ишларимизни кучайтиришимиз керак.

Электорат билан иш олиб боришнинг муҳим бўғини бўлган бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш ва родини мустақкамлаш, тарғибот ишларида бошланғич ташкилотларимизнинг мавжуд ташкилий салоҳиятидан, уларнинг етакчилари ва аъзолари имкониятларидан унумли фойдаланишни таъминлаш муҳим вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

Яна бир муҳим масала шундаки, олдимизда турган сиёсий жараёнда фаол иштирок этишимиз учун партияимизнинг дастурий мақсадлари, 2019 йилдаги сайловолди дастуридаги вазифалар ижроси тўғрисида аҳолига кенг маълумот беришимиз керак. Бу тарғибот-ташвиқот жараёнларида партиянинг депутатлари ва тарғибот гуруҳи аъзолари, ёшлар ва хотин-қизлар вакиллари фаоллик кўрсатиши лозим бўлади.

Шунингдек, сайловолди тарғибот ишларида бугундан бошлаб тайёргарлик қўришимиз, тарғиботчилар гуруҳи, фаол ёшлар ва хотин-қизлар гуруҳларини янгилашимиз, уларни ҳозирдан сайлов жараёнларига тайёрлаб боришимиз мақсадга мувофиқ.

Пленумда, шунингдек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилоят Кенгаши раиси Зулфия Тўйева, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фарғона вилоят Кенгаши раиси Зокиржон Зоҳидов сўзга чиқди. Партия олдида турган масъулиятли ва шарафли вазифалар ижросини юқори савияда бажариш учун маҳаллий Кенгашларнинг ҳиссаси муҳимлигига эътибор қаратилди.

Партия ташкилотлари ва депутатлар ўртасида ҳамкорликни янада кучайтириш, дастурий мақсадларни тарғиб қилиш, электорат манфаатларини муносиб ҳимоялаш, асосийси, уларнинг хоҳиш-иродасини амалга ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга кўтариш бўйича асосли таклифлар берилди.

Пленумда қонун ҳужжатларига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда партия Уставини такомиллаштиришга эҳтиёж сезилаётгани айтиб ўтилди. Партия Уставига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича комиссия тузилди ҳамда комиссия олдида Уставни такомиллаштириш жараёнида илғор хорижий тажрибани ўрганиб, муҳим йўналишларда асосланган таклифларни ишлаб чиқиш вазифаси белгиланди.

Шунингдек, мажлисда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2023 йил бюджетининг ижроси ва 2024 йил бюджетининг асосий кўрсаткичлари кўриб чиқилди, партия Марказий ва минтақавий, туман (шаҳар) Кенгашларнинг янги ташкилий тузилмаси тасдиқланди.

Пленумда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Лазиза ШЕРОВА, "Ўзбекистон овози" муҳбири.



ДАВЛАТ ТАРТИБГА СОЛИШИ МУҲИМ

Ижтимоий ҳаётимизда шундай соҳалар борки, уларда кечаётган недир ўзгариш ёки қандайдир янгилик ҳеч қачон ҳеч биримизни бефарқ қолдирмайди. Аввало, бу ўзгариш ва янгиликларга истеъмомчи нуқтаи назари билан ёндашсак, улар замиридаги асосий мақсадни жамиятнинг бир вакили ўлароқ таҳлил этамиз, муносабат билдирамиз, хайрихоҳлик ёхуд эътирозимизни баён қиламиз.

Соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим бўғини бўлган фармацевтика айни шу соҳалар қаторига кирилади. Узоққа бормайлик, глобал пандемия даврида дунё фармацевтика бозоридаги кескин тебранишлар аҳоли саломатлигини асрашда, ковид билан курашишда ҳатто ривожланган давлатлар ва жамиятларни ҳам боши берк кўчага киритиб қўйганини унутганимизча йўқ.

Миллат генофондини сақлаш, халқимизнинг соғлом ва узоқ умр кечиришини таъминлаш мамлакатимиз ижтимоий сиёсатининг стратегик йўналишларидан биридир. Бу йўлда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, хусусан, истеъмомчиларга сифати, хавфсизлиги ва самарадорлиги кафолатланган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникалар етказиш, фармацевтика маҳсулотлари муомаласини тартибга солиш чора-тадбирлари изчил амалга оширилмоқда.

Айниқса, Ўзбекистон фармацевтика бозорида йиллик ўсиш динамикаси барқарор суръат касб этиб, МДХ минтақасида етакчи ўринни эгаллаётгани, ўз навбатида мамлакат фуқароларини ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларини арзон ва сифатли фармацевтика маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган 50 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалиётга киритилгани ушбу соҳанинг жадал тараққий этаётганидан далolat беради.

Бироқ, бунга парадокс равишда соҳада охири кўринмаётган муаммолар ҳам талайгина.

яширин айланмаси бўйича қатъий чоралар кўриш тобора долзарб бўлиб бораётир.

Асосий муаммо халқимизнинг дори воситаларидан фойдаланиш маданиятининг сустлигида яққол кўринмоқда. Жумладан, жаҳон тиббий амалиётида баҳсталаб бўлган турли антибиотикларни қабул қилиш (ЖССТ маълумотига кўра, бир йилда дунёда антибиотикни нотўғри истеъмом қилгани туфайли 700 минг одам ҳаётдан кўз юмади) устидан назоратнинг умуман йўқлиги, оилавий поликлиникалар ва шифохоналарда белгиланган протоколларга амал қилмасдан, "пул ишлаш" учун фарм-компаниялар фойдасига рецепт ёзиш ҳолатларининг учраши бор гап.

Бу ҳақида шу йилнинг 4 февраль куни Президент раислигида ижтимоий соҳадаги устувор вазифаларга бағишлаб ўтказилган йиғилишда сўз юритилиб, мана шундай ўзибўларчиликдан халқимизнинг соғлиги ҳам, чўнтаги ҳам зарар кўраётгани қаттиқ танқид қилинди.

Қолаверса, бир турдаги дорининг турли

ши белгиланган. 450 турдаги фармацевтика маҳсулотини маҳаллийлаштириш мўлжалланган.

Ишлаб чиқаришни халқаро стандартларга ўтказиш, нарх ва сифат мутаносиблигини таъминлаш мақсадида соҳада рақамлаштиришни бу йил 65 фоизга етказиш, кейинги йил эса тўлиқ яқунлаш вазифаси кун тартибига қўйилди. Бу орқали фарммахсулотлар нархини камида 20 фоизга арзонлаштириш мумкинлиги қайд этилди. Соҳа учун малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича ҳам кўрсатмалар берилди.

Бундан ташқари, фармацевтика саноати бўйича ташкил қилинган эркин иқтисодий зоналар фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш, шу жумладан, "Tashkent Pharma Park" инновацион фармацевтика кластерида 470 миллион долларлик 12 та лойиҳани ишга тушириш, соҳага инвесторларни кенг жалб қилиш кўзда тутилмоқда.

Шу ўринда яна бир қизиқ факт. Мамлакатимизда дори воситалари ва тиббий буюмларнинг чакана реализацияси бўйича 16 мингга яқин дорихона мавжуд бўлиб, биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 2 мингдан ортиқ дорихоналар хизмат кўрсатмоқда.

2024 йилнинг 5 ойида дори воситалари учун энг катта харажатлар ҳам айнан Тошкент шаҳрига тўғри келган. Яъни, пойтахтда январь-май ойларида ўртача бир киши дори воситалари хариди учун 750 минг сўм сарфлаган бўлса, аҳоли жон бошига нисбатан камроқ харажатлар Қашқадарё вилоятида (120 минг сўм), Қорақалпоғистон Республикаси (118 минг сўм) ва Сурхондарё вилоятида (114 минг сўм) қайд этилган.

» **ДЕМАК, ЎША МАСАЛА – СОҲАДА ҲАР ҚАНЧА ЯХШИ ЎЗГАРИШЛАР, ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР АМАЛГА ОШМАСИН, ФАРМАЦЕВТИКА РИВОЖИГА ЭРИШИШ, АҲОЛИНИ СИФАТЛИ, ХАВФСИЗ, КАФОЛАТЛАНГАН ВА АРЗОН ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ТИББИЙ БУЮМЛАР ТАЪМИНОТИНИ ТОМ МАЪНОДА ЯХШИЛАШ УЧУН НАЗОРАТ ИНСТИТУТИ ҲАР ҚАЧОНГИДАН ҲАМ КЕРАК БЎЛЯПТИ.**

Мутахассислар мамлакатимизда дорихоналарнинг кўплиги (ўртача 2 минг аҳолига 1 та дорихона тўғри келиши) иқтисодий жиҳатдан фойда келтиргани ҳолда ижтимоий томондан кўпроқ зарарли эканини айтмоқдалар.

Чунки ҳар қадамда дорихона бўлгач, рецептсиз дори воситалари сотиш ҳолатларига буткул чек қўйиш имконсиз қоляпти. Ахир, дейлик бошимиз оғриси, шифокорга кўринишни эмас, биринчи гада ён-атрофимиздаги яқин дорихонага бориб, кимдир тавсия этган ёки рекламалардан билганимиз бўйича синаб-синалмаган ҳалдорини сотиб олишни ўйлаймиз. Ана шу биргина ҳалдори ёки ноўрин укол даво эмас, оғриқли асоратлар олиб келиши эҳтимоли борлиги кўпинча унутилади.

Демак, ўша масала – соҳада ҳар қанча яхши ўзгаришлар, истиқболли режалар амалга ошмасин, фармацевтика ривожига эришиш, аҳолини сифатли, хавфсиз, кафолатланган ва арзон дори воситалари ҳамда тиббий буюмлар таъминотини том маънода яхшилаш учун назорат институти ҳар қачонгидан ҳам керак бўляпти.

Назорат институтининг ишлаши учун биринчилар қаторида, табиийки, халқ ишонч билдирган сиёсий партиялар ташаббускор бўлмоғи лозим.

САЙЛОВЛДИ ДАСТУРИ УЧУН ҒОЯ

Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон Халқ

» **ПАРТИЯНИНГ ФАОЛЛАРИ ФАРМАЦЕВТИКАДА НАЗОРАТНИ КУЧАЙТИРИШ, ДОРИ ВА ТИББИЙ БУЮМЛАР НАРХЛАРИ БЎЙИЧА АНИҚ ЧЕКЛОВЛАРНИ БЕЛГИЛАШ МАҚСАДИДА "ДОРИ-ДАРМОНЛАР ВА ТИББИЙ ВОСИТАЛАР НАРХЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУННИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҒОЯСИНИ ИЛГАРИ СУРМОҚДА.**

демократик партияси ва депутатлик бирлашмалари томонидан жойларда аҳоли билан ўтказилаётган бевосита мулоқотлар, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳолатини ўрганиш билан бир қаторда дорихоналар фаолияти ҳамда уларда дори воситаларининг қатъий белгиланган нархларда сотилиши, алоҳида тоифадаги фуқароларни протез-ортопедия воситалари билан таъминлаш масалалари юзасидан мавжуд вазият, аҳоли муносабати ва кайфияти мунтазам ўрганиб борилмоқда.

Аниқланган ҳолатларни бартараф этиш юзасидан партиянинг маҳаллий Кенгашлардаги гуруҳлари томонидан биргина 2023 йилнинг ўзида аҳолига тиббий таъминот кўрсатиш сифатини ошириш, дори воситалари ва фармацевтика фаолиятини яхшилаш, бепул дори воситалари ва тиббий буюмларидан фойдаланиш ҳолатини назорат қилиш бўйича 192 та масала партия гуруҳларида, 156 та масала доимий комиссия йиғилишларида муҳокама этилди. 145 та масала сессия кун тартибига олиб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди.

Партиянинг фаоллари фармацевтикада назоратни кучайтириш, дори ва тиббий буюмлар нархлари бўйича аниқ чекловларни белгилаш мақсадида "Дори-дармонлар ва тиббий воситалар нархларини давлат томонидан тартибга солиш тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш ғоясини илгари сурмоқда. Бу борада Сайловлди дастури учун таклиф тайёрланмоқда.

Бу ғоя пировардида бир мақсадга – халқимиз саломатлигини асраш, соғлом авлодни вояга етказиш, ижтимоий кўмакка муҳтож қатлам вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Фарида МАҲҚАМОВА,
"Ўзбекистон овози"
шарҳловчиси.



» **ТИББИЁТ АМАЛИЁТИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА РУХСАТ ЭТИЛГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИ, ТИББИЙ БУЮМЛАР ВА ТИББИЙ ТЕХНИКА ДАВЛАТ РЕЕСТРИГА ЖОРИЙ ЙИЛ ЯНВАРЬ ОЙИ ҲОЛАТИГА МАҲАЛЛИЙ ҚУВВАТЛАРДАН ТАШҚАРИ 76 МАМЛАКАТНИНГ 1 МИНГ 451 ТА КОРХОНАСИ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ЎН МИНГЛАБ ФАРМАЦЕВТИКА МАҲСУЛОТЛАРИ КИРИТИЛГАН.**

АСОСИЙ МУАММО НИМАДА?

Статистикага кўра, мамлакатимизда фармацевтика бозори ҳажми 2 миллиард долларга етган. Лекин, бу бозорда маҳаллий маҳсулотлар улуши физик ҳажмда 40-45 фоиз бўлса-да, пул қийматида 20 фоиздан ошмайди. Янада аниқроқ қилиб айтганда, маҳаллий фармсаноатда ишлаб чиқариш бинт, спирт, шприц, анальгин ва цитрамон каби дори-воситалардан нарига ўтмаяпти. Юртимизда йилига истеъмом қилинаётган 1,6 миллиард долларлик дори-дармоннинг 80 фоиздан зиёди импорт ҳисобидан қопланмоқда.

Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестрига жорий йил январь ойи ҳолатига маҳаллий қувватлардан ташқари 76 мамлакатнинг 1 минг 451 та корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган ўн минглаб фармацевтика маҳсулотлари киритилган. Дори воситаларининг

дорихоналарда турлича нархларда сотилиши, бирламчи тиббий муассасаларда аҳолини 120 турдаги дори воситалари ва тиббий буюмлар таъминлаш амалиёти барча жойда ҳам бирдек ишламаётгани, айрим "учар" тадбиркорларнинг мавсумий касалликлар авж олган паллада талаб юқори бўлган ҳалдори, сироп, томчи ёки инъекция воситаларини қиммат нархларда сотиши ва аҳолининг эҳтиёжманд қатлами учун оғир вазиятни пайдо қилаётганини яширишининг ҳолати йўқ.

Янада оғриқли жиҳати, фармацевтика соҳасида назорат институтининг етарли даражада шаклланмагани, кенг жамоатчилик ва соҳа мутахассисларининг фармбозоридagi муаммоларни ўрганиб, асосли ечимларни таклиф қилиш бўйича айтарли ташаббус кўрсатмаётгани нафақат фарммахсулотлари нарх-навосининг асоссиз ошишига, балки қалбаки, контрафакт дори воситалари муомаласига ҳам шароит яратмоқда. Коррупция ва дори воситаларини рўйхатга олиш ҳамда сотишни тасдиқлаш жараёнида шаффофликнинг йўқлиги эса қандай оқибатларга олиб келишини ўша машъум "ДОК-1 МАКС" иши (Ҳиндистоннинг Marion Biotech компанияси ишлаб чиқарган ушбу препарат туфайли юртимизда 65 нафар бола вафот этди) мисолида кўришимиз мумкин.

ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР КЎП, БИРОҚ...

Ёдингизда бўлса, ўтган ойнинг 23-санасида Президент айнан фармацевтика тармоғига оид истиқболли режалар тақдими билан танишиб, иқтисодиёт ҳамда аҳоли саломатлигида муҳим ўрин тутадиган бу соҳани тартибга солишга алоҳида урғу берган эди.

Таъкидланганидек, 2024-2025 йилларда фармацевтика тармоғини ривожлантириш ва инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш бўйича "йўл харитаси" асосида жорий йилда 400 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш, экспортни 200 миллион долларга етказиш режалаштирилган. 2 миллиард долларлик 147 та лойиҳага старт берилиб, шундан 28 таси 2024 йилда ишга туширили-



РАҶБАР КАДРЛАР даги ЛОҚАЙДЛИК муаммоларнинг ўзагидир

Ўзбекистон ХДП Шўрчи туман Кенгаши вилоятдаги салоҳиятли жамоалардан бири ҳисобланади. Худудда 2 минг нафардан ортиқ аъзони бирлаштирган 42 та қуйи бўгин фаолият кўрсатаётган бўлса, халқ депутатлари туман Кенгашида партиямиздан сайланган 8, вилоят Кенгашида эса 1 нафар депутат иш олиб бормоқда. Шубҳасиз, улар халқ ишончини қозониб, электоратнинг суянчига айланишни ўзларининг дастуруламали, деб биладилар.



Ботиржон РАЖАБОВ,
Ўзбекистон ХДП Шўрчи
туман Кенгаши раиси,
халқ депутатлари
Шўрчи туман Кенгаши
котибият мудир:

– Ҳар бир депутат фаол ва ташаббускор бўлишини даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Бунинг учун халқ вакиллари ҳаёт билан ҳамнафас ва ҳамқадам бўлишлари лозим.

Ютуқлар бор жойда камчилик ҳамда муаммолар учраши табиий. Худди шундай, ҳозирги кунда худудимиз аҳолисини ишсизлик, банк-молия, тиббиёт ва таълим соҳаларидаги муаммолар қийнаб келмоқда. Электр таъминотидаги узлишлар, ички йўллар носозлиги, тоза ичимлик суви танқислиги билан боғлиқ масалаларда нуқсонлар кўзга ташланади. Булардан ташқари, чекка ва бориш қийин бўлган манзиллар инфра-тузилмасини замонга мос ташкил қилиш, транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш, автомашиналар турар жойларини барпо қилиш оғриқли нуқталардан бўлиб қолмоқда.

Бу каби устувор вазифалар ижросини таъминлаш учун махсус “йўл харитаси” асосида иш олиб боряпмиз. Масалан, жорий йилнинг беш ойда туман ва вилоят Кенгашларидаги халқ вакиллари томонидан жойларга 82 та депутатлик сўрови юборилиб, муаммоли масалаларнинг 80 фоиздан ортиғи ечимини топди. Бундан, албатта, хурсандимиз.

Қарс икки қўлдан чиқади, дейди доно халқимиз. Туман ҳокимлиги, прокуратура, ички ишлар, мактабгача ва мактаб таълими бўлими ҳамда тиббиёт бирлашмаси билан мустақкам алоқа ўрнатилгани камчиликларни бартараф этишда қўл келмоқда. Аммо давлат кадастрлар палатаси Шўрчи туман филиали мансабдорлари масъулиятли ишга панжа ортидан қараб келаётгани таассуфли. Амалдаги қонунларимизда сўровга ўн кун муддатда жавоб бериш белгиланган бўлса-да, масъуллар буни қарийб уч ой пайсалга солгани таажубли.

Жорий йилнинг 22 февраль кунини филиал раҳбарига “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар” масаласида депутатлик сўрови юборилган. Аммо ўз вақтида жавоб келмади. Орадан 13 кун ўтиб, яъни 2024 йилнинг 6 мартда қайта сўровнома йўлланди. Яна жимлик, тагин сукунат. Натижа йўқлиги учун 19 апрелда учинчи марта мурожаат қилишга мажбур бўлдик. Тўғри, мақсадга эришилди, аммо, кеч бўлганди...

Хўш, нега айрим амалдорлар ҳамон депутатлик сўровига беписанд қарамоқда. Балки, жавоб ёзишга вақтлари йўқдир уларнинг. Эҳтимол, депутат ким депутатлик сўрови нималигини, янги давр талабларини яхши англаб етишмас... Нима бўлганда ҳам, бундай муносабат, юмшоқроқ айтганда, халқ вакиллари, демалки, халқ олдида ўз масъулиятини унутиш ҳисобланади.



Шухратжон ЭРГАШЕВ,
халқ депутатлари Шўрчи туман Кенгаши депутати:

ҳамда симёғочлар алмаштирилди. Босқичма-босқич давом этаётган эзгу амаллар ўзининг ижобий натижаларини бераётганига кўпчилик гувоҳ бўлмоқда.

Аммо ечимини кутаётган муаммолар ҳамон бор ва талайгина. Уларни бартараф этиш учун мутасадди ташкилотлар раҳбарлари билан тегишли чора-тадбирлар кўриломоқда.

“Хайробо” – туманимиздаги йирик маҳаллалардан. Маҳалла аҳолиси билан учрашганимизда симёғочлар таъмирталаб бўлиб қолгани хусусида эътирозлар бўлган. Кучланиш пастлиги ҳамда чекловлар кузатилаётганидан норози бўлган одамлар. Йўлларнинг носозлиги ва қиш-қировли кунларда пиёдалар ҳамда ҳайдовчиларга муаммолар туғдираётгани айтиб ўтилган.

Ҳолат аҳоли вакиллари ҳамда фаоллар иштирокида жойида ўрганилди. Таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқдик. Ижобий натижа бўлмагандан кейин мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ҳамда туман ҳокимлигига сўровнома жўнатдим. Орадан кўп ўтмай, бунёдкорлик ишлари бошланди. Эллиқдан ортиқ симёғоч ўрнатилиб, 2,5 кило-

метр йўл тўлиқ асфальтланди. Беш минг нафарга яқин аҳолининг кўнгли хотиржам, хонадонлар чароғон бўлди.

Шу ўринда яна бир фикрни айтмоқчиман. Маълумки, она замин бебаҳо ҳисобланади. Ундан йилнинг тўрт фаслида ҳам ҳосил олиш мумкин. Бунинг учун омилкорлик билан иш юритилса, бас.

“Хайробо” маҳалласида 1 минг 200 нафардан ортиқ ёшлар истиқомат қилиши аниқланди. Уларнинг асосий қисми томорқачилик, боғдорчилик, паррандачилик, асаларчилик, ба-ликчилик билан шуғулланар экан. Иссиқхоналар даромад манбаига айланаётгани қувонarli.

Аммо бу борада ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакиллари унутмаслик лозим. Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили муносабати билан уларнинг рўйхати шакллантирилди. Ҳамкор ташкилотларга депутатлик сўровлари тайёрланмоқда. Яқин кунларда 20 нафардан ортиқ йигит-қиз муқим касб эгалари бўлишса, Ватанимиз мустақиллигининг 33 йиллиги арафасида уларнинг сони 50 кишига етади.

» **Шу ўринда яна бир фикрни айтмоқчиман. Маълумки, она замин бебаҳо ҳисобланади. Ундан йилнинг тўрт фаслида ҳам ҳосил олиш мумкин. Бунинг учун омилкорлик билан иш юритилса, бас.**



Шокир ҚОБИЛОВ,
халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши депутати:

ўтган асрнинг 90-йилларидан кейин барпо этилган бўлиб, буткул таъмирталаб бўлиб қолган.

Ўтган йилнинг охирида Шўрчи тумани ҳокимлигига депутатлик сўрови жўнатдим. Икки ойда узунлиги 30, эни эса 3 метрлик кўприк фойдаланишга топширилди. Кўпнинг мушқули осон бўлди.

Йўллар иқтисодиётнинг қон томири ҳисобланади. У элларни – элларга, дилларни – дилларга боғлайди. Завод-фабрикалар барпо этилиб, янги иш жойлари юзага келади. “Ола-темир”даги кўприк иш бошлагандан кейин қарийб бир километрлик асосий йўлга асфальт ётқизирилиб, икки километрга яқин ички кўчага тош-шағал аралашмаси тўшалди. Худуднинг кириш қисмида махсус арка ўрнатилгани эса маҳалла кўригига кўрк қўшди.

Жорий йилнинг 18 март кунини мазкур маҳаллада яна давра сўхбати ташкил қилдик. Юзма-юз мулоқотда сайловчиларимизнинг таклиф ва мулоҳазалари тингланди. Нотурар биноларни ҳужжатлаштириш, моддий ёрдам ажратиш, томорқаларни сўғориш, трансформатор ўрнатиш, йўлларни таъмирлаш, ичимлик суви ва бошқа масалалар борлиги аниқланди. Аксарият муаммолар жойида бар-

тафат этилган бўлса, мuddат талаб қиладиганлари тегишлилиги бўйича мутасаддиларга йўналтирилди. Шундан кейин “Баҳор” ва Амир Темур кўчаларининг 1 километрга асфальт ётқизилди. Янги қудуқ қазилиб, аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Биласизми, гоҳида депутат ва фаолларда ташаббускорлик етишмайди, деган гап-сўзларни эшитиб қоламиз. Бу қайсидир маънода тўғридир. Аммо, фаолиятимиздан келиб чиқиб айтганим бўлса, аксарият ҳолларда оддий одамларни қийнаётган, ташвишлантираётган масалаларнинг ечим топмай, “осилиб туриши”га жойлардаги масъулларнинг бепарволиги сабаб бўляпти. Чунки айрим раҳбарлар депутат ташаббусига лоқайдлик қилса, баъзилари ҳамон эскича қарашлардан қутулолмаганлар.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш ҳар биримиз учун устувор вазифа экан, ҳеч қачон ўз бурч ва масъулиятимизни унутмайлик. Шундагина кўзлаган мақсадга эришамиз.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

Болаларга диний таълим бериш қонун доирасида

КЕЧА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING НАВБАТДАГИ ЙИГИЛИШИДА “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУН ҲУҶЖАТЛАРИГА БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲҚАМЛАШ БЎЙИЧА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН ЛОЙИХАСИ БИРИНЧИ ЎҚИШДА МУҲОКАМАДАН ЎТДИ.

Қонун лойиҳаси билан ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан болани қонунга хилоф равишда диний таълим олиш жараёнига жалб қилганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш, бунда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасини қўшимча бандлар билан тўлдирish назарда тутилмоқда.

Яъни, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан бола қонунга хилоф равишда диний таълим олиш жараёнига жалб қилинса, БҲМнинг 10 бараваридан 15 бараваригача жаримага тортилади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса, БҲМнинг 15 бараваридан 25 бараваригача жарима ёки 15 суткагача маъмурий қамоқ жазосини тайинлаш белгиланмоқда.

Шунингдек, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан болани қонунга хилоф равишда диний таълим олиш жараёнига жалб қилишга, яъни болани рўйхатдан ўтказилмаган ёки лицензияга эга бўлмаган ташкилотлар ёхуд махсус диний маълумоти бўлмаган ва диний ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича марказий бошқарув органининг

руҳсатисиз диний таълим бераётган шахслар ихтиёрига диний таълим олиши учун топширишга йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши болаларнинг таълим олиш соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг комил инсон бўлиб етишишига, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик гоъларни қурбонига айланишининг олдини олишга хизмат қилиши таъкидланмоқда.

Узоқ давом этган муҳокамалардан сўнг, депутатлар лойиҳани биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқуллаб беришди. Лекин иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида аниқлаштирилиши керак бўлган жиҳатлар устида ишлаш кераклиги ҳам айтиб ўтилди.

Ўз муҳбиримиз.



HAMKORLIK

ОЧИҚЛИК ВА САМИМИЙЛИК ҲАМКОРЛИК
ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ
МУСТАҲКАМЛАНИШИДА КАТТА
АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. БУНИНГ
ЯҚҚОЛ МИСОЛИНИ ЎЗБЕКИСТОН
ТАШКИ СИЁСАТИДА КЎРИШ
МУМКИН. КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА
ХАЛҚАРО МАЙДОНДА МИСЛИ
КЎРИЛМАГАН ФАОЛЛИК
КЎРСАТИЛМОҚДА. ШЕРИКЛАР,
ҲАМКОРЛАР, ЯХШИ ДЎСТЛАР САФИ
ҲАМ КЕНГАЙМОҚДА.

ТАРИХДА БИРИНЧИ МАРТА
МЎҒИЛИСТОН РАҲБАРИ ДАВЛАТ
ТАШРИФИ БИЛАН ЮРТИМИЗГА
ТАШРИФ БУЮРДИ. АЙРИМ
МУТАХАССИСЛАРНИНГ НАЗДИДА
БУ ТАРИХИЙ МУЗОКАРАЛАР
АНЧА АВВАЛРОҚ БЎЛИШИ КЕРАК
ЭДИ. САБАБИ, ТУРКИЙЛАР
ВА МЎҒУЛЛАРНИНГ ТАРИХИЙ
ИЛДИЗЛАРИ МИНГ ЙИЛЛИКЛАР
ДАВОМИДА КЎП МАРТА
КЕСИШГАН. ҒАРБДАГИ БАЪЗИ
ТАРИХЧИЛАРНИНГ ЎЗБЕК ВА
МЎҒУЛЛАРНИ АДАШТИРИБ
ЮБОРИШИ БАЛКИ ШУНДАНДИР.

Ташриф давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух олий даражадаги музокаралар олиб борди.

Музокараларда сиёсий мулоқот ва парламентларо алоқаларни мустаҳкамлаш, халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш, хавфсизлик соҳасида алоқаларни фаоллаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Шу ўринда Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишини тўлиқ қўллаб-қувватлаган биринчи давлатлардан бири ҳам айнан Мўғулистон эканлигини қайд этиш лозим.

Етакчилар савдо-иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратишди. Яқин йилларда ўзаро савдо ҳажмини, энг аввало, талаб юқори бўлган маҳсулотлар номенклатураси ва ҳажмини кенгайтириш ҳисобига 5-10 баробарга ошириш учун салоҳият мавжудлиги таъкидланди.

Шу мақсадда ҳукуматларга товар айирбашлаш ҳажмини ошириш масалалари бўйича қўшма ишчи гуруҳ тузиш, Улан-Батор ва Тошкентда расмий савдо уйлари очиш, Имтиёзли савдо тўғрисидаги битимни имзолашга тайёрлаш ҳамда бозорларга кириш шароитларини ўзаро енгиллаштириш бўйича тақлифлар киритиш топширилди.

Юртимизга Мўғулистондан гўшт ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни импорт қилиш, шунингдек, Ўзбекистондан товۇқ гўшти, мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш бўйича тақлифлар тайёрланди.

Икки мамлакат ўртасида визасиз тартибни инobatта олган ҳолда, қўшма дастурлар ва маҳсулотлар асосида туризм алмашинувларини ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Давлат раҳбарлари музокаралар якунида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросимида иштирок этди.

Етакчилар Давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнотни имзоландилар.

Давлат ташрифи давомида жами 14 та



ЯНГИ ВА ЯҚИН ҲАМКОР

ҳужжат имзоланди, жумладан:

– Савдо, иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик тўғрисидаги 2024-2026 йилларга мўлжалланган ҳукуматлараро дастур;

– Туризм соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим;

– Ҳаво алоқаси тўғрисида ҳукуматлараро битим;

– Халқаро автомобиль алоқаси тўғрисида ҳукуматлараро битим;

– Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2024-2025 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури;

– Хавфсизлик кенгашлари котибиятлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;

– Қишлоқ хўжалиги вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

– Ветеринария ва чорвачилик соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

– Фанлар академиялари ўртасидаги илмий ҳамкорлик тўғрисида битим;

– Миллий ахборот агентликлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;

– Савдо-саноат палаталари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;

– Қўшма Ишбилармонлар кенгашини ташкил этиш тўғрисида баённома;

– Тошкент ва Улан-Батор шаҳарлари маъмуриятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим.

Имзоланган ҳужжатларнинг салмоғи икки мамлакат ўртасида ўрнатилган муносабатларнинг илиқлигини кўрсатиб турибди. Бунда етакчиларнинг хизмати бекиёс, албатта.

Шу ўринда Мўғулистон Президенти ҳақида айрим фактларни келтириб ўтмоқчимиз.

Мўғулистон парламенти 2017 йил октябрь ойида Ухнаагийн Хурэлсух номзодини Мўғулистоннинг 30-Бош вазири этиб тасдиқлади. У ўз олдида бир қатор катта мақсадларни қўйди. Уша мақсадларнинг энг йирикларидан бири мамлакатнинг энергетик мустақиллигини таъминлаш эди.

Бу йўлдаги энг катта лойиҳаларидан бири Мўғулистоннинг Дорногоби вилоятидаги нефтни қайта ишлаш заводиридир. Ҳиндистон кўмағида ташкил этилган нефтни қайта ишлаш заводи йилига 1,5 миллион тонна ёки кунига 30 минг баррел нефтни қайта ишлаш қувватига эга. Бу мамлакатнинг ички эҳтиёжларни қоплашга етади.

COVID пандемияси пайтида, яъни 2021 йилнинг 20 январь куни ижтимоий тармоқларда аёл ва унинг янги туғилган чақалоғи COVID-19 карантин муассасасига кўчирилаётгани, она қаттиқ совуқда фақат касалхона қўйлаги ва оёғида шипак бўлган тасвирлар пайдо бўлди. Бу кенг жамоат орасида қаттиқ норозилик уйғотди. Тинч намоишга чиққан аҳоли беморга нотўғри муносабатда бўлган касалхона ходимларини жавобгарликка тортишни, соғлиқни сақлашдаги юқори лавозимдаги масъулларни истеъфосини талаб қилишди.

Натижада амалдаги Бош вазир истеъфода беради. У аризасида “масъулиятни ўз зиммасига олиши ва жамоатчилик талабини қабул қилишини” таъкидлайди.

Аввалроқ, Мўғулистон унинг саёй-ҳаракатлари билан соғлиқни сақлаш инқирозини хал қилгани учун COVID-19 пандемиясининг дастлабки босқичларида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мақтовига сазовор бўлган эди.

Шу тариқа Хурэлсух истеъфо берди. Лекин унинг хизматлари исзис қетмади. Мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпи COVID билан касалланганига қарамасдан ўлимлар сони минимал даражада бўлди.

2021 йилнинг ёзида мамлакатда бўлиб ўтган Президентлик сайловида Халқ партиясидан номзод сифатида қатнашган Ухнаагийн Хурэлсух сайловда ғолибликни қўлга киритди. У Мўғулистоннинг демократик йўл билан сайланган олтинчи Президенти бўлди.

Унинг номзодини ёқлаб 821 мингдан ортиқ сайловчи овоз берди. Бу умумий овозларнинг 68 фоизи, дегани эди. Ухнаагийн Хурэлсух Мўғулистон тарихида демократик давр бошланган 1990 йилдан бери энг катта овоз тўплаган Президент сифатида тарихга кирди.

У галаба нутқида “бу сайловда овоз берган барча мўғулистонликлар бошланган ишимизни яқунлашимизга ва мамлакатимиз учун кўпроқ иш қилишимизга умид билдиришганини тушунаман”, деган.

Ўзаро илиқ муносабатларининг пойдеворида давлат раҳбарларининг самимиёлиги, хар қандай муаммога реал нигоҳ билан қараши ва албатта сиёсий донолиги турибди.

Аҳмад ҚУРБОНОВ тайёрлади.

TURIZM



Шаҳноза АБДУЛЛАЕВА,
Тошкент давлат
шарқшунослик университети
Ташқи иқтисодий фаолият
ва туризм кафедраси катта
ўқитувчиси, фалсафа
доктори:

— Туризм жаҳон иқтисодиётида юқори даромадли ва жадал ривожланиб бораётган соҳалардан бири бўлиб, халқаро ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутмоқда. Айниқса, бу соҳа мамлакатлардаги табиий бойликларни, асрлардан сўзлагувчи осори-атиқалару номоддий маданий мерос намуналарини асрашга, халқлар ва миллатлараро тотувликни таъминлашга сезиларли ҳисса қўшаётганини таъкидлаб ўтмасликнинг иложи йўқ.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришга йил сайин кўпроқ эътибор қаратилмоқда, туризм индустриясининг ривожланиши эса бир бутунликни ифодалайди. Замонавий иқтисодий шароитда соҳада мамлакатлар ўртасида интеграцион

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

алоқаларнинг фаол кенгайиши кузатишмоқда.

Туристик истеъмолнинг ўзига хослиги шундаки, товар истеъмолчига эмас, истеъмолчи товарга истеъмолини амалга ошириш учун келади. Айнан истеъмол орқали туризм мамлакат ёки унинг бирор минтақаси хўжалик фаолиятини рағбатлантиради. Меҳмонхоналар, мотеллар, овқатланиш, транспорт корхоналари, спорт иншоотлари, маданият муассасалари даромадларини оширади, маиший хизмат кўрсатиш, алоқа, автохизматлар ва бошқаларнинг ривожланишини рағбатлантиради. Ушбу минтақани реклама қиладиган маҳаллий ҳунармандларнинг буюмлари, сувенерларга талаб ошиб боради. Ихтисослашган ва умумий савдо корхоналарининг товар айланмаси ўсади. Шундай қилиб, туризм маҳаллий инфратузилмани ривожлантиради, янги иш ўринлари яратди, мамлакатга валюта тушумини фаоллаштиради, хизмат кўрсатувчи соҳаларга, туристик фаолиятга кўмаклашувчи ва ҳамроҳлик қилувчи фаолият турларига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон ўзининг кўплаб тарихий-меъморий ёдгорликлари, турфа жил иклими ва тез суратларда ривожланиши билан бугун бутун дунё диққатини ўзига тортмоқда. Янада


аниқроғи, маданият, тарих, асрий аъналар ва экзотик мамлакатларга қизиқувчилар учун мафтункор сайёҳлик йўналишларидан бирига айланмоқда.

Дарҳақиқат, жонажон диёримизга келаётган туристлар оқими йил сайин ошяпти. Шу йилнинг январь-май ойларида 2,8 миллиондан ортиқ чет эл фуқаролари туристик мақсадда Ўзбекистонга ташриф буюрган. Статистика агентлиги маълумотларига кўра, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда 248,2 минг нафарга ёки 9,6 фоизга ошган.

2024 йилнинг 5 ойида Ўзбекистонга туристик мақсадларда келган чет эл фуқароларининг мамлакатлар кесимида сони бўйича Тожикистон етакчилик қилмоқда – 871,5 минг нафар. Ундан сўнг яқин қўшнилариимиз Қирғизистон – 857 минг нафар, Қозоғистон – 498,2 минг нафар, Россия – 289,6 минг нафар, Туркманистон – 53,8 минг нафар турибди.

Узоқ хориж давлатларидан Туркия – 42,1 минг нафар, Ҳиндистон – 23,2 минг нафар, Хитой – 22,8 минг нафар, Италия – 15,3 минг нафар, Жанубий Корея – 15,1 минг нафар турист билан кучли ўнликдан ўрин олган.

Қолган бошқа барча давлатлардан жами 148,7 минг нафар сайёх



Ўзбекистонга келган.

Халқаро доираларда бирдек эътироф этилганидек, халқаро туризмни ривожлантириш учун Ўзбекистон чиндан ҳам жуда улкан салоҳиятга эга. Чорак аср аввал юртимизни ҳеч ким истиқболли туризм ҳудуди сифатида билмас эди, бу рост. Мустақиллик даврида, айниқса, сўнги 7-8 йил ичида туризм соҳасида давлат сиёсатини самарали амалга ошириш ва уни ривожлантиришнинг янги тамойиллари амалиётга татбиқ қилинди. Туризмнинг барча йўналишларини ривожлантириш, кадрлар масаласини яхшилаш, соҳа инфраструктурасини янгиллашга инвестиция жалб қилишда залворли қадамлар ташланди. Натижа эса кўп ҳам куттиргани йўқ – йилнинг қай фаслида ва ўлкамизнинг қай манзилида бўлманг, тарихимиз, миллий маданиятимиз, халқимизнинг турмуш тарзи, қадриятларимиз, мафтункор табиатимиз билан танишиш, баҳра олиш ниятида ташриф буюрган хорижий сайёҳларга дуч келасиз. Улардаги саёҳат давомида олган чексиз хайрати ва ҳавасидан гурурланасан киши.

Ҳар қандай соҳада бўлгани каби туризмда янгилликлар кашф этиш муҳим аҳамиятга эга. Туризмдаги инновациялар - бу сифат жиҳатидан янгилликка эга бўлган ва бутун соҳада ижобий ўзгаришларга олиб келадиган тизимли ходисалар. Бундай инновацияларни жорий этиш натижаси мамлакатга сайёҳлар оқимининг кўпайиши ва фойданинг ошиши ҳисобланади.

Мазкур соҳада давр талабларига ҳамроҳан равишда қатор янгилликларни жорий этиш мумкин. Туристлик лойиҳаларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, сайёҳлик бизнесининг янги турларини ташкил этиш имконияти, тубдан янги туризм ва саёҳат маҳсулотларини яратиш, туристик талабнинг ахборот-реклама таъминоти, жумладан, инновацион технологиялар шулар жумласидандир.

Туризм иқтисодиётнинг транспорт ва коммуникациялар, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва бошқалар каби муҳим тармоқларига катта таъсир кўрсатади, яъни ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг катализатори бўлиб хизмат қиладди.



30-IYUN – YOSHLAR KUNI

ЭЗГУ ТАШАББУСЛАРНИНГ МЕЪМОРИ БЎЛИШИМИЗ КЕРАК

Мамлакатимиз аҳолисининг улкан қисмини, меҳнат ресурсларининг эса ярмидан кўпини ташкил этувчи фаол қатлам – ёшларга эътибор ва ғамхўрлик давлат сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Бу борадаги ислохотларнинг кенг қамрови ва натижадорлигини инкор этмаган ҳолда бугун ёшларимизни ўйлантираётган, жиддий ташвишга солаётган масалалар, улар тўқнаш келаётган муаммолар ҳам оз эмаслигини таъкидламоқ жоиз. Таҳлиллар ва кузатишлар ёшлар ҳаётидаги энг долзарб нуқта бандлик билан боғлиқ эканини кўрсатмоқда. Зотан, бандлик жамиятда нафақат иқтисодий, балки ижтимоий фаровонликни, маънавий-ахлоқий жиҳатдан ривожланишни таъминловчи омиллардан ҳисобланади.

Ёш авлодга ишончли келажакни кафолатлайдиган ижтимоий демократик давлат қуришни ўзининг энг олий мақсади деб билган Халқ демократик партияси дастурида ҳам ёшларни, хусусан, меҳнат бозорига кириб келаётган битирувчиларни қўллаб-қувватлашга кенг урғу берилди.

Партиянинг Қорақалпоғистондаги ёш аъзолари навқирон авлод манфаатига қаратилган бошқа йўналишларда амалиётга татбиқ этилаётган лойиҳалар ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирди.

Хурлиман НИЕТБАЕВА,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаоли:



— Бугунги кунда Қорақалпоғистон аҳолиси 2 миллион нафардан ошди. Ҳар йили ҳудуд меҳнат бозорига 50 минг нафар ёшлар кириб келмоқда. Уларни замонавий касб-хунарларга ўқитиб, даромадли иш ва муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш айна заруратга айланган.

Оролбўйи минтақасидаги оғир экологик танглик кундалик ҳаётида кўплаб муаммоларга сабаб бўлаётганини яширишнинг ҳожати йўқ. Соғлиқни сақлаш, таълим каби ижтимоий соҳаларда ҳудуддаги мавжуд шарт-шароитдан келиб чиқиб, аҳоли, айниқса, ёшлар учун энгилликлар яратишга ҳаракат қилинаётгани қувонарли. Мисол учун, давлат раҳбарининг шу йил февраль ойидаги Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга доир қарори асосида 2024 йилдан бошлаб ҳар йили «Келажак касблари» лойиҳаси доирасида 1,5 минг нафар йигит-қизни рақамли технологиялар ва хорижий тилларга ўқитиш йўлга қўйилмоқда. Бунда рақамли технологияларни ўрганиш учун «Ёшлар дафтари» жамғармаси ҳисобидан ёшларга субсидия

ажратиш муддати Қорақалпоғистон Республикаси учун бир йилгача узайтирилиши тенгдошларимизнинг замонавий касбларни эгаллашида ўзига хос рағбат бўлади.

Бундан ташқари, Қўнғирот, Нукус ва Чимбой туманларида «Ишга марҳамат» моно-марказлари ташкил этилиши, ҳудуд эҳтиёжидан келиб чиқиб, экология, қишлоқ хўжалиги, ирригация, қурилиш соҳаларида таянч докторантурада кўшимча кадрлар тайёрланиши, ҳар йили қорақалпоғистонлик ёшлар учун мамлакатимиздаги барча олийгоҳларда алоҳида қабул квоталари жорий қилиниши тенгдошларимизнинг орзу-умидларига қанот бағишлайди.

Партиянинг вакили сифатида олийгоҳларда, меҳнат давраларида ва маҳаллаларда ўтказиладиган учрашувларда, тарғибот тадбирларида ёшлар билан суҳбатлашарканман, мавжуд эътибордан, имкониятлардан фойдаланиб, олдига қўйган катта-катта мақсадлари сари интилаётган йигит-қизларнинг шижоатига, ғайратига ҳавас қиламан. Шу билан бирга ён-атрофидаги ўзгаришларга бефарқ, мактабдаги 12 йиллик таълим давомида ўз салоҳиятини юзага чиқара олмаган, шахсий ривожланишдан орқада қолган, қўлида на касб-хунари бор, на тайинли иши бор ёшларга ҳам дуч келамиз. Ва ушбу тоифадаги ёшларимизнинг сони кам дея олмайман, афсуски. Улар билан ишлаш, ижтимоий, иқтисодий, керак бўлса, маънавий-руҳий қўллаб-қувватлашлар орқали ҳаётга қизиқларини ошириш, янги ташаббусларга ундаш керак. Меҳнат миграциясидан қайтган, ёшлик бебошлиги билан жиноятга қўл уриб, жазосини ўтаган ёшларга, ногиронлиги бўлган йигит-қизларга жамиятда ўз ўринларини топиши учун ёрдам берадиган, кутилганидек самарали лойиҳалар зарур. Бу фақат маҳалладаги ёшлар фаолининг ёки сектор раҳбарининг иши эмас. Бу ҳам-мамизнинг, жумладан, ижтимоий адолат ва ижтимоий тенглик учун курашишни дастуруламал қилган ХДП аъзоларининг ҳам зиммасига улкан масъулият юклайди.

Жалалатдин УСНАТДИНОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Нукус шаҳар кенгаши раиси:



— Шу кунларда юртимиз бўйлаб анъанавий «Ёшлар ойлиги» бўлиб ўтмоқда. Ойлик доирасида бизнинг Қорақалпоғистонда ҳам турли маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари, ҳокимлар ва сектор раҳбарларининг ёшлар билан учрашувлари, меҳнат ярмаркалари, галаконцертлар ташкил этилмоқда. Бир сўз билан айтганда, орзу-мақсадларимиз турлича, аммо барчамизни юрт манфаати бирлаштириб турган биз, ёшлар учун очик ва кенг мулоқот майдони яратилмоқда.

Ўтган ҳафтада Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусикали театрида Жўқорғи Кенгес Раиси Аманбай Оринбаев иштирокида кечган ёшлар билан учрашувда кишини мамнун қиладиган ўзгаришлар тилга олинди. Яъни, Қорақалпоғистонда олий таълим масканлари сони 2016 йилдаги 6 тадан бугунги кунда 12 тага, битирувчиларнинг талаба бўлиш кўрсаткичи 9 фоиздан 41 фоизга етгани айтиб ўтилди. Ўтган йили қорақалпоғистонлик 10 минг ёш кўшимча квота асосида талаба бўлган бўлса, бу эзгу ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилиб, яна кўшимча 6 ярим мингта квота ажратилаётгани таъкидланди.

Яратилаётган имкониятлар ўз натижасини кўрсатиб, бу йил Қорақалпоғистондан 267 нафар мактаб битирувчиси муддатидан олдин юртимиздаги ва дунёнинг обрўли олий таълим муассасаларига талабалikka қабул қилинибди. Мактабни битирган 22 мингдан ортиқ ука-сингилларимиз орасида 648 ўқувчи олтин, 188 ўқувчи кумуш медаль эгаси сифатида эътироф этилди.

Бундай ютуқлардан ғурурланмасликнинг иложи йўқ, албатта. Аммо олис, чекка овулларимиздаги мактаблар орасида ўқитишда сифат ўзгаришларига, инфратузилмавий янгиланишларга эҳтиёж сақланиб қолинаётгани ҳам маълум.

Ёш авлод ҳаётини яхшилашни, аввало, мактаблардан бошлаш, умумтаълим масканларида таълим билан бирга касб-хунарга йўналтириш ва тарбиявий ишларни ҳам сифат даражасига чиқариш бугунги мураккаб, таҳликали замонда ҳар қачонгидан долзарб бўлиб қолмоқда. Педагогика йўналишида олий таълимни тамомлаб, ўз қишлоқ-овулига қайтган ёш мутахассисларнинг бандлигини таъминлашда айрим эскича ёндашувлардан воз кечмоқ лозим.

Тўғри, ёшлар ўртасида бандликни таъминлаш ғоятда долзарб. Шунинг баробарида ҳозирда ёшларимизнинг сиёсий, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларни сиёсий жараёнларга жалб қилиш соҳасида ҳам ечимини кутаётган масалалар борлигини эсдан чиқармаслик керак.

Ана шу жиҳатдан Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг «Сафимиздаги ёшлар» лойиҳасини, «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловини алоҳида келтириб ўтиш ўринлидир.

Айнан «Сафимиздаги ёшлар» лойиҳаси асосида ҳар йили юзлаб йигит-қизлар ХДП аъзолигига қабул қилинапти. Бу чиндан ҳам фахрланишга арзийди.

Бугун Янги Ўзбекистонда ёшларга давлат ва жамиятнинг ҳал қилувчи кучи сифатида қаралмоқда. Барча соҳада ёшлар фаоллигини ошириш, уларни янги, илғор ғоя ва ташаббусларнинг ижодкори, бошқача айтганда, меъмори бўлиши учун ҳар тарафлама рағбатлантиришга эътибор ортаётганини партияимизнинг ёшлари ва бошқа тенгдошларим ҳаёти мисолида кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз. Унутмайликки, ҳаётда ва жамиятда ўз ўрнини топишимиз ўзимизнинг қўлимизда, мавжуд имкониятлардан тўғри фойдалана олишимиздадир.

Фарида МАҲҚАМОВА
ёзиб олди.

“Ёш ҳуқуқшунослар” танлови



Ёшларни бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш, уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада оширишда Ички ишлар вазирлигига бириктирилган бир миллион нафар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларнинг маънавий дунёқарашини юксалтириш мақсадида ташкил этилган «Ёш ҳуқуқшунослар» кўрик-танловининг Республика босқичи ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда 14 ҳудуддан келган 28 нафар ҳуқуқ соҳаси билимдон ёшлари ўзаро беллашди.

Мусобақа иккита ёш тоифасида ўтказилди. Биринчиси – 14 ёшдан 18 ёшгача, иккинчиси – 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида бўлиб ўтди.

Танлов иштирокчилари онлайн тарзда махсус саҳифа орқали тест сновларига жавоб берди. Ҳар бир саволга берилган жавоблар махсус монитор орқали жонли равишда ҳакамлар томонидан назорат қилиб борилди. Айнан шу омил танловнинг шаффоф ва ошқоралигини таъминлади.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, танловнинг маҳалла-туман-вилоят босқичларида 14-18 ёшлилар ўртасида 14 минг 90 нафар, 18-30 ёшлилар ўртасида 14 минг 561 нафар ёшлар фаол иштирок этди.

BUNYODKORLIK

Сурхондарё вилояти Шеробод туманининг "Зарабоғ" маҳалласида 4 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Қарийб 600 га яқин хўжалик бор. Маҳалла марказидан оқиб ўтувчи сойда кўприк йўқлиги узоқ вақтдан бери ҳудуднинг оғриқли нуқталаридан бири бўлиб келган. Бу ерда қўркам ва замонавий йўл ўтказгич фойдаланишга топширилиши билан зарабоғликларнинг асосий ташвиши ортда қоладиган бўлди.



МАҲОБАТЛИ КЎПРИК ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН ҚУРИЛДИ

– Ҳамжихатликда ҳикмат кўп экан, – дейди меҳнат фахрийси Бўри Раҳимов. – Ўзаро келишган ҳолда ҳашар йўли билан иншоот куришга киришилди. Унга саховатпеша ва олийҳиммат юртдошларимиз ўз ҳиссаларини кўшишгани қувонарли. Кимдир йирик миқдорда маблағ ажратган бўлса, бошқалар озиқ-овқат маҳсулотларидан кўмаклашди. Маҳаллий уста ва тажрибали кўприксозлар жонбозлик кўрсатди. Хуллас, тўрт ойда узунлиги 100, эни эса 5 метрли маҳобатли кўприк барпо этилди.
– Мактабимизда ўқийдиган 200 нафарга яқин зарабоғлик ўқувчи дарсга қатнаш учун сой ва жарликлардан ўтишга мажбур бўлар-

ди, – дейди 32-умумий ўрта таълим мактаби директори Умидулло Шаропов. – Сел ва сув тошқини кузатилганда эса уч-тўрт кунлаб дарсларга келолмасдилар. Кўприк ишга тушгач, аввало, мана шу болалар учун жуда қувондик. Хавотирларимиз ариди. Хайрли ва эзгу иш натижасида зарабоғликларнинг кўп йиллик муаммоси барҳам топганидан мамнунмиз.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири

"БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БАНКИ":

REKLAMA O'RNIDA

"ЁШ ТАДБИРКОРЛАР" ФОРУМИ

ЁШЛАРНИ ТАЖРИБАЛИ ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШГА ШАРОИТ ЯРАТДИ



ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ЁШЛАР ИЖОД САРОЙИДА "БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БАНКИ" АТБ ТАШАБУСИ БИЛАН "ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ" ЖАМГАРМАСИ ҲАМКОРЛИГИДА "ЁШ ТАДБИРКОРЛАР" РЕСПУБЛИКА ФОРУМИ ЎТКАЗИЛДИ.
"ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ" ВА 30 ИЮНЬ – ЁШЛАР КУНИГА БАҒИШЛАБ ЎТКАЗИЛГАН УШБУ ФОРУМДА ЁШ ТАДБИРКОРЛАР, ФЕРМЕРЛАР, СТАРТАПЧИЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.

Форумда "Бизнесни ривожлантириш банки", Ёшлар ишлари агентлиги, "Ёшлар – келажагимиз" жамғармаси вакиллари сўзга чиқиб, бугунги кунда республикамизда ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун янада кенг имкониятлар яратиб берилаётганини алоҳида таъкидлашди.

Мазкур форумдан кўзланган асосий мақсад – ёш тадбиркорлар ва ёш стартапчиларни қўллаб-қувватлаш, улар учун мулоқот платформасини яратиш, ёшларни бизнесга жалб қилиш ва уларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришни жадаллаштириш масалалари бўйича ўзаро фикр алмашишдан иборат.

Форум доирасида "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ ҳузуридаги Кичик бизнесни ривожлантириш жамғармаси томонидан ёш тадбиркорлар маҳсулотлари ва ёш стартапчиларнинг инновацион ишланмалари кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмада Президентимизнинг 2023 йил 14 сентябрдаги қарори асосида бизнес лойиҳалари банк томонидан молиялашти-

рилган ёш тадбиркорлар иштирок этди.

– Оилавий корхонамизда устоз-шоғирд анъанасини давом эттирган ҳолда каштачилик фаолияти билан шуғулланиб келмоқдамиз, – дейди Бухоро вилоятидан ёш тадбиркор Маъруф

Тешаев. – Бугунги кунда мамлакатимизда туризм соҳаси жуда ривожланиб бормоқда. Шу боисдан бизни маҳсулотларимизнинг асосий харидори хориждан келган сайёҳлар ҳисобланади. Шунинг учун бемалол ишлаб чиқарилган маҳсулотларимиз жуда хари-

» **Мазкур форумдан кўзланган асосий мақсад – ёш тадбиркорлар ва ёш стартапчиларни қўллаб-қувватлаш, улар учун мулоқот платформасини яратиш, ёшларни бизнесга жалб қилиш ва уларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришни жадаллаштириш масалалари бўйича ўзаро фикр алмашишдан иборат.**

доргир, деб айта олам. Мисол учун, каштали ёстиқчаларимизни донасини 15 доллардан чет эллик сайёҳларга сотмоқдамиз. Бундан ташқари, яна шунга айтишим мумкин, яқинда ёш тадбиркорларга "Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш комплекс дастури"га кўра 100 миллион сўмгача кредитлар гаровсиз, имтиёзли тарзда ажратиладигани тўғрисида хабарни эшитдим. Бу имтиёздан фойдаланиб, фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида "Бизнесни ривожлантириш банки"дан гаровсиз, имтиёзли 100 миллион сўм кредит олдим. Бу маблағга фаолиятимизда асқотадиган тикув машиналарини харид қилдик. Натижада чиқараётган маҳсулотларимиз сони ва тури янада ошди. Шунга яраша кўраётган даромадимиз ҳам кўпайди.

Этиборли жиҳати, бугунги форумда муваффақиятга эришган таж-

рибали тадбиркорлар билан ўзаро билим, тажриба алмашидик. Энг муҳими, бу форум тажрибали тадбиркорлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишга шароит яратди.

Тадбир иштирокчилари ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида ҳали фойдаланилмаётган ресурслар мавжудлигини билдириб, ёшларни бизнесга фаол жалб қилиш бўйича ўзаро фикр алмашишди.

Форум доирасида ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш истиқболларига бағишланган сўхбатлар, соҳа мутахассислари билан бевоқифа мулоқотлар, ёш тадбиркорлар ва ёш хунармандлар маҳсулотлари кўргазмаси ҳамда ёш стартапчилар ишланмаларининг намойиши ҳам бўлиб ўтди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.



MUASSIS:



O'zbekiston Ovozi TAHRIR HAY'ATI:

- Ulug'bek INOVATOV
- Ulug'bek VAFOYEV
- Maqsud VORISOVA
- Qalandar ABDURAHMONOV
- Guliston ANNAQLICHEVA
- Muslihiddin MUHIDDINOV
- Hayotxon ORTIQBOYEVA
- Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3
Телефонлар: (71) 239-12-14
Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**
Sahifalovchi: **Bezkod ABDUNAZAROV**

Г — 637. 3486 nusxada bosildi. O'za yakuni —
Nashr ko'rsatkichi — 220. Topshirilgan vaqti —
t — Tijorat materiallari 1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.